



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИЛМ-ФАННИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЗАРУРЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 февраль куни қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш ва соҳада илм-фанни янги босқичга олиб чиқиш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Ирригация ва мелиорация тадбирлари натижасида сўнгги беш йилда 826,5 минг гектар ер қишлоқ хўжалиги фойдаланишига киритилди. Шунинг 409 минг гектари сўғориладиган ерлар ҳисобига, 418 минг гектари эса лалми ва яйлов ерларда ер ости сувларидан фойдаланиш ҳамда кам сув талаб қиладиган экинларни жойлаштириш орқали ўзлаштирилди.

2030 йилгача яна 938 минг гектар яйловларни ўзлаштириш ва ҳолатини яхшилаш режалари тақдимот қилинди.

Хусусан, 2026-2027 йилларда 620 минг гектар яйлов тикланиб, шунинг 300 минг гектарида яйлов ўсимликлари экилади, 130 минг гектарида қудқлар ўрнатилади. Натижада 960 минг бош майда шохли мол боқиш, гўшт ва жун ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш имконияти яратилади.

Янги ерларни ўзлаштиришда ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ инвестор ва лойиҳа асосида иш ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Қишлоқ хўжалигида илм-фанни янги босқичга олиб чиқиш учун амалдаги институционал инфраструктура бўлими ўзгартириш вақти келгани қайд этилди. Шу мақсадда соҳадаги 22 та илмий марказ, 260 та лаборатория ҳамда 2,5 мингдан ортиқ олим ва илмий ходимларни ягона тузилма — Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига бирлаштирилиши белгиланган.

Тақдимотда биотехнология ва молекуляр биология, ген инженерияси ва гибрид уруғчилиги, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, космик ва дрон технологиялари, ерлар деградацияси ҳамда соғлом tupроқ, органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги, ветеринария, рақамли қишлоқ хўжалигини академия фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида белгилаш таклиф этилди.

Академия фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирда Тошкент давлат аграр университетидида 13,6 минг талаба таъсил олаётгани, бироқ ўқув жараёнининг амалиёт билан етарлича боғланмагани сабабли битирувчиларнинг атиги 55 фоизи ўз соҳасида ишлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан таълим, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқаришни узвий боғлайдиган тизим яратиш, меҳнат бозори талабига мос етук мутахассислар тайёрлаш вазифалари белгиланди.

Жумладан, келгусида университет талабаларининг 6,8 минг нафари ишлаб чиқарувчи ташиқлотлар, корхоналар ва агрокластерларда,

2,6 мингдан зиёди Қишлоқ хўжалиги вазирилик тизимидаги 22 та илмий-тадқиқот институтида амалиёт ўтади.

Шунингдек, фермер ҳамда унинг ходимлари фарзандларининг тест синовларида баллари қабул параметрларига етмаганда, миқдори камайтирилган тўлов-контракт асосида университетга қабул қилиш, еттига таълим йўналиши бўйича ўқиш давомийлигини 4 йилдан 3 йилга қисқартириш таклиф этилди. Талабаларни тракторчи-машинист гувоҳномаси ва агродронлардан фойдаланишга ўқитиш йўлга қўйилади.

Тақдимотда Агротехнология ривожлантириш агентлигининг фаолияти кўриб чиқилди.

Ўтган йилда 44 минг гектар самарасиз ерларда интенсив ва санотлашган боғ ҳамда тоқзорлар ташкил қилиб, 37 минг иш ўрни яратилди.

Бу ерларда ташкил этилган боғ ва тоқзорлар 2027 йилдан ҳосил беришни бошлаб, йилига 660 миллион доллар мева-сабзавот экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади. Масалан, Сўхда 500 гектарда олма, малина ва ўрик, Термиз туманида 164 гектарда ўрик ва шафтоли, Оҳангарон туманида 309 гектар, Булунгурда 550 гектар ҳамда Қувада 60 гектар ерда узумнинг “Аватар” нави, Поп туманидаги 504 гектарда эса шафтоли ва олхўри плантациялари ташкил этилди.

Мазкур ишларни давом эттириб, 2026 йилда 25,5 минг гектар мевали боғлар ва 5 минг гектар узумзорлар ташкил қилиб, 48 минг доимий ҳамда масъумий иш ўринларини яратиш зарурлиги қайд этилди.


Ҳар йили мамлакатимизга 60 миллион долларлик кўчатлар импорт қилинмоқда. Ушбу кўчатларни Европа стандартлари асосида ўзимизда тайёрлаш учун барча имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу борада агентлик томонидан 200 дан ортиқ мева турларининг вирусдан холи, юқори ҳосилли оналик навлари коллекцияси яратилган. Ушбу мева турларини кўпайтириш ва барча ҳудудларга етказиб бериш мақсадида Бектемир туманида 50 гектар, Юқори Чирчиқ туманида эса 75 гектарлик “ин-витро” лабораториялари ва оналик кўчатхоналаридан иборат мажмуалар ташкил этилмоқда. Ушбу мажмуаларни йил якунигача ишга тушириб, йиллик 27 миллион дона кўчат тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Президентимиз тақдимотда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

Халқаро ҳамкорлик



ЎЗБЕКИСТОН – ПОКИСТОН: КЕЛИШУВЛАРДАН СЕЗИЛАРЛИ НАТИЖАЛАРГА

Давлат раҳбарлари даражасидаги келишувнинг ҳақиқий қиймати протокол саҳифаларида эмас, халқ ҳаётидаги ўзгаришларда кўринади. Товар тезроқ етиб келса, ташиш арзонлашса, бозорлар очилса, иш ўринлари кўпайса, таълим ва малака алмашинуви кенгайса, демак, дипломатия иқтисодий натижа берапти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф ўртасидаги мулоқотнинг асосий мазмунини ҳам айнан шу: икки мамлакатни “Марказий Осиё — Жанубий Осиё” иқтисодий кўприги билан боғлаб, ҳамкорликни аниқ мақсадлар, ижро механизмлари ва лойиҳалар орқали мустаҳкамлаш. Яқин даврдаги учрашувлар ва амалий келишувлар Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё билан иқтисодий боғлиқлигини чуқурлаштириш, Покистоннинг эса Марказий Осиё бозоридagi иштирокни кенгайтириш учун янги имкониятларни очди.

▶ Давоми 3-бетда



Замонавий компьютер технологиялари, АТ дастурлари ва сунъий интеллект... XXI аср рақамли технологиялар даври сифатида ўзининг ақл бовар қилмас салоҳиятини кўрсатишда давом этмоқда. Бугун инсоният янги цивилизация босқичи, яъни сунъий интеллект даврига дадил қадам қўймоқда. Сунъий интеллект технологиялари иқтисодиётдан тортиб, таълим, тиббиёт, суд-ҳуқуқ, қишлоқ хўжалиги ва бошқарув тизимига ҳам чуқур кириб бормоқда.

АҲОЛИ УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ “СЕРВИС БЎЛИНМАЛАР”И

Турли амалларни бажаришга мўлжалланган алгоритм ва дастурий тизимлардан иборат сунъий интеллект инсон онги бажариши мумкин бўлган бир қанча вазифаларни ахборот базасига киритилган маълумотлар асосида амалга

оширади. Шунингдек, у марақаб таҳлиллар ва катта маълумотлар билан ишловчи дастурларни қамраб олиб, мантиқли изчил мулоҳаза қилиш ҳамда тавсия бериш қобилиятига эга “ақлли” технологиядир.

▶ Давоми 2-бетда

НУРОНИЙЛАР ҲАР БИР КЎЧАГА БИРИКТИРИЛАДИ

Янги Ўзбекистонда нурунийларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигини асраш, турмуш шароитини яхшилаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани инсон қадрини улуғлаш йўлидаги эзгу ислохотларнинг амалий ифодаси сифатида барчамизда чуқур шукроналик ҳиссини уйғотмоқда.

Айниқса, маҳаллалар ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшларни касб-хунарни, билимни, салоҳиятни қилиб ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида нурунийларга билдирилаётган юксак ишонч ва эътибор уларга куч-қувват бериб, гайратига гайрат қўшиб, десак муболага бўлмайди.

▶ Давоми 2-бетда



Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги

ДУНЁНИ УЙҒОТГАН НАВОИЙ

Буюк бобомиз Алишер Навоий шахси ва фаолияти ҳақида гап кетганда, бу улут сиймони Амир Темури ҳазратларининг номи ва сулоласисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлаб ўтиш керак. Шах-шубҳасиз, Соҳибқирон бобомизнинг бардавом салтанати ва унинг энг илғор вакиллари, қолаверса, ул зотнинг олийшон авлодлари зиммасидаги тарихий ва ижтимоий масъулият мажбурияти Алишер Навоий сингари даҳоларнинг дунёга келишига сабабчи бўлган.

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори билан танишар эканмиз, ушбу жаҳоншумул тарихий-ижтимоий ҳақиқатга яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Албатта, бу тарихий ҳужжат ўз-ўзидан яралгани йўқ. Улуғларимиз эътироф этишича, сабаб моҳиятсиз, моҳият бесабаб бўлмас. Муқаддимада алоҳида таъкидланганидек, “Мазкур қарорнинг асосий мақсади буюк аجدодимиз асос солган Иккинчи Уйғонув даврининг миллий ва умуминсоний моҳияти, ёш авлодини янги Ўзбекистон бунёдкорлари этиб тарбиялаш борасидаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ташкилий-амалий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни янги сифат босқичига кўтариш ҳисобланади”.

▶ Давоми 6-бетда



Эҳтиром

АДАБИЁТ ОСМОНИДАГИ МАЪНАВИЙ МАЁК

Алишер Навоий даҳосига эҳтиром туркий халқлар қалбидан мустаҳкам ўрин олган. Шу кунларда буюк шоир ва мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби таваллудининг 585 йиллиги нафақат республикамизда, балки қатор хорижий мамлакатларда ҳам кенг нишонланяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бобомизнинг ижоди асрлар давомида туркий адабиётнинг маънавий маёғи вазифасини ўтаб келмоқда.

Кунинча пойтахтимиздаги Адиллар хиббонида ҳам Ҳазрат Алишер Навоий таваллуд тоғи сана муносабати билан адабий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирга Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон уюшмаси, турли вазирлик ва идоралар, миллий маданият марказлари масъул ходимлари, олий таълим муассасалари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташиқлотлар вакиллари таклиф этилди.

▶ Давоми 6-бетда

НУРОНИЙЛАР ҲАР БИР КЎЧАГА БИРИКТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Кексалар ҳаёт мактаби, сабр-тоқат, ҳалоллик ва фидойилик тимсолидир. Бугун нурунийлар маҳалланинг ўзига хос устуни ва ёшлар тарбиясида замонавий таълим ҳамда миллий қадриятларни бир-бирига туташтирувчи маънавий кўприкка айланди. Ёшларга ҳаётий тажрибаси, ибратли маслаҳатлари билан йўл кўрсатаётган отахон ва онахонларимиз маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлашга бебаҳо хисса қўшмоқда.

Дунёда нотинчликлар содир бўлаётган, давлатлар ўртасида иқтисодий қарама-қаршилиқ, хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган бугунги кунда маҳаллаларда ҳамжиҳатлик муҳитини асраш, ёшлар тарбиясига, айниқса, улар турли зарарли одатлар таъсирига тушиб қолмаслигига алоҳида эътибор қаратиш энг долзарб масала бўлиб турибди. Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида бу масалага алоҳида тўхталиб, **“Юртимиздаги ҳар бир бола, ҳар бир ёш — бизнинг фарзандимиз, уларни гиёҳвандлик чангалига ташлаб қўйишга асло йўл қўймаймиз. Гиёҳвандликни таг-томири билан буткул йўқотиш, ёшларимизда кучли маънавий-руҳий имунитетни шакллантириш бўйича барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз”,** деди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари **“Олдимизга қўйган мақсадларни фақат ўзи — катта ҳаётий тажрибага эга маҳалла раислари ва фаоллари, ҳурматли нурунийларимиз, опа-сингилларимиз, сергайрат ёшларимиз, зиёлиларимиз, ишбилармон тадбиркорларимиз, Ватан посбонлари, бир сўз билан айтганда, бутун халқимиз билан биргаликда амалга оширамиз”,** дея алоҳида таъкидлади.

Мурожаатномада белгиланган вазифалар моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этаётган нурунийлар ўз олдига янги масъулиятли вазифаларни белгилаб олди ва амалий ишларни бошлаб юборди.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний”



Содиқжон ГУРДИЕВ,
“Нуруний” жамғармаси
республика бошқаруви раиси,
сенатор, Ўзбекистон Қаҳрамони

жамғармаси ҳам Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси 2026 йил 30 январь куни қабул қилган қўшма қарорга кўра, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, аҳоли ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда миллий урф-одатлар ва қадриятлар асосида ҳашар ишларини самарали ташкил этиш мақсадида маҳаллалардаги қарийб 160 мингта кўчанинг ҳар бирига нурунийларни “кўчабай” бириктириш белгиланди.

Мазкур ҳужжатга кўра, маҳаллалар фаолиятини янада самарали ташкил этишда маҳалла фуқаролар йиғини раиси, унинг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси, “маҳалла еттичилиги”, “Кексалар маслаҳати” гуруҳининг ҳамкорлиқдаги фаолиятининг тизимли амалга оширилишини таъминлашга эътибор қаратилди.

Тахлиллар кўрсатадики, маҳаллаларда юзага келаётган қўллаб муаммолар — оилавий низолар, ёшлар бандлиги, ижтимоий бепарволик, жиноятчиликка мойиллик, энг аввало, маънавий бўшлиқ билан бoғлиқ. Бу бўшлиқни эса нурунийларнинг ҳаётий тажрибаси, ёшларга меҳри, ишончи, маслаҳат ва ўғитлари билан тўлдириш самара бермоқда.

Шунингдек, камбағаллик, ишсизлик ва жиноятчилик даражаси юқори маҳаллаларда нурунийларнинг ҳаётий тажрибаси ва маънавий таъсири аҳоли билан ўзаро суҳбатларда, олиб борилаётган тизимли ишларда ижобий натижа берапти. Чунки ёши улугларимиз нафақат муаммони кўради, балки унинг сабабини тушунади ва ҳар бир кўчада аҳоли билан суҳбатлашиб, ўзаро ишонч асосида ишлайди. Бу эса жойларда ислохотлар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, бугун аҳолининг энг эътибжманд қатламлари билан ишлашда ҳам нурунийлар ўз ҳаётий тажрибаси ва юксак маънавий нуфузи билан фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 25 ноябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишга фаол нурунийларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2025 йилда 28,5 мингта яқин нуруний камбағаллик реестрида турган қарийб 211,5 мингта оила билан ишлади. Фаол нурунийларнинг амалий ишлари натижасида 156 минг 693 та оила камбағалликдан чиқарилди. Камбағаллик реестрида турган оилаларнинг қарийб 131 минг фарзанди қўшимча дарслар ва тўғаракларга жалб этилган бўлса, 27 мингдан ортиқ ёш ҳунарманд ва усталарга шогирдликка бириктирилиб, касб-хунар эгаллаши таъминланди.

Камбағаллик реестрида турган оилалар фарзандларига ўқув жиҳозлари, парта ва стуллар, спорт кийимлари, шунингдек, нурунийлар кўмағида бўлиб тўлаш шарти билан техника воситалари (кўчма дўкон, кичик ишлаб чиқариш ускуналари) олиб берилди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида нурунийлар давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда фақатгина иқтисодий кўмак бериш билангина чекланиб қолмапти. Балки маънавий тарбия, сабр-тоқат, шукроналик ва меҳнатга ҳурмат каби қадриятларни ёшлар онига синдириб, маҳаллаларда боқимандлик кайфиятидан воз кечishi, меҳнат қилиш орқали фаровон ҳаётга эришиш гоёсини ҳам кенг тарғиб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллаларда барқарор фаровонликнинг маънавий пойдеворини яратишга хизмат қилади.



“Нурунийлар ташаббуси билан таълим масканларида ўтказилаётган “Нурунийлар соати” маърифий дарслари, “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” тамойили асосидаги тизимли ишлар ҳам юз минглаб ёшларимиз ҳаётига янгилашниш ва ўзгаришлар олиб кирмоқда.

Шу билан бирга, нурунийлар оилалардаги муаммоларни барвақт аниқлаб, қийинчиликка тушиб қолган ёшларга тегишли ташкилотлар орқали кўмаклашпти, бу орқали маҳаллаларда ўзаро ҳамжиҳатлик ва ёрдам муҳитини шакллантирмоқда. Натижада ёшлар, ёш оилалар, ишсиз фуқароларнинг давлат томонидан яратилаётган имкониятларга нисбатан хабардорлиги таъминланиб, имтиёзли кредитлар, субсидия ва бандлик дастурларидан фойдаланишга ишончи ортмоқда. Айнан шу ишонч камбағалликдан чиқиш йўлидаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Нурунийлар ташаббуси билан таълим масканларида ўтказилаётган “Нурунийлар

соати” маърифий дарслари, “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” тамойили асосидаги тизимли ишлар ҳам юз минглаб ёшларимиз ҳаётига янгилашниш ва ўзгаришлар олиб кирмоқда.

Экологик барқарорликни таъминлаш ва маънавий тарбияни уйғунлиқда олиб боришда ҳам нурунийларнинг муҳим ўрни бор. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида нурунийларнинг фаол иштироки ёш авлод учун намуна бўлмоқда. Кузги ва баҳорги кўчат экиш мавсумларида дарахт экиш шунчаки тадбир эмас, балки табиатга масъулиятли муносабатда бўлиш, келажак олдидagi бурчни ҳис этишда маънавий мактаб вазифасини ўтамоқда.

Бошланиши 1-бетда

Бу жараёнда ички ишлар органларининг миграция ва персоналлаштириш бўлинмаларини босқичма-босқич тезкорлик ва шаффоқлик тамойиллари асосида аҳолига янада қулай ва сифатли хизмат кўрсатувчи “сервис бўлинмалар”га айлантиришга ҳам зарурат сезилапти. Бунинг учун миграция ва персоналлаштириш соҳасида республика — вилоят — туман (шаҳар) бўлинмалари фаолиятини ташкил этишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва иш самарадорлигини ошириш, соҳада кўрсатиладиган давлат хизматларини рақамлаштириш талаб этилади.

Президентимизнинг шу йил 19 январдаги “Ички ишлар органларининг миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги фаолиятини рақамлаштириш орқали сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу вазифалар ижросига ҳуқуқий замин ҳозирлади. Унга кўра, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти тўғрисидаги низом ҳамда Ички ишлар органларининг миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

Соҳани рақамлаштириш такомилиштирилади

Бугун Миграция ва персоналлаштириш департаменти ҳамда қўйи бўлимлари аҳолига 19 турдаги давлат хизматини кўрсатмоқда. Шу пайтгача ушбу хизматлардан бевосита департамент ва қўйи бўлимларида борган ҳолда фойдаланиш мумкин эди. Шу боис, хизматларни рақамлаштириш, аҳолига онлайн хизмат кўрсатиш борасида баъзи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш зарурати бор эди.

Президентимизнинг жорий йил 19 январдаги тегишли қарори биноан миграция жараёнини сунъий интеллект технологиялари асосида рақамлаштириш, соҳада давлат хизматларини кўрсатишни тубдан такомиллаштириш, ҳужжатларни инсон омилсиз расмийлаштириш борасида муҳим вазифалар белгиланди. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаментининг ташкилий тузилмаси, департамент таркибида бошқарма мақомига эга бўлган Персоналлаштириш маркази ташкил этилди.

Миграция ва персоналлаштириш департаменти тўғрисидаги низомда департаментнинг вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланди. Шу билан бирга, ички ишлар органларининг миграция ва персоналлаштириш соҳасига оид янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаси ва рақамлаштириш бўйича 17 та талабни қамраб олган “йўл харитаси” тасдиқланди.

Департамент ва қўйи тузилмаларида кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш орқали профессионал ходимлар базасини шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Қарорда аҳолига қулайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб талабалар ётоқхонасига жойлаштиш бўйича шартнома тузиш билан бирга талабаларни турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг композирт тартиби жорий этилади. Жорий йил 1 февралдан бошлаб жисмоний шахсларга идентификацияловчи ID карталар биринчи мартаба расмийлаштирилганда, унинг чипига киритиладиган электрон рақамли имзо сертификати бепул берилди ҳамда фуқаро “Электрон ҳуқуқ” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ағуахорот тизимида автоматик тарзда бепул рўйхатдан ўтказилади.

Миграция ва персоналлаштириш департаменти жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва доимий янгилаб бориш бўйича ваколатли органдир.

Улугбек ТОШХЎЖАЕВ,
Миграция ва персоналлаштириш
департаменти бошлиғи

АҲОЛИ УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ “СЕРВИС БЎЛИНМАЛАР”И



“Passport-visa” мобил иловаси: 22 та онлайн давлат хизмати

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 январдаги тегишли қарорига биноан, 2026 йил 1 майдан бошлаб эксперимент тариқасида Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистондаги биттадан туман (шаҳар) ички ишлар органлари миграция ва персоналлаштириш бўлинмаларида ўзига ўзи хизмат кўрсатиш имконияти яратилган. Сунъий интеллект асосида фаолият яратадиган “ақлли” миграция шохобчалари ташкил этилади.

Дастлабки босқичда “ақлли” миграция шохобчаларида белгиланган турдаги давлат хизматлари кўрсатилади. Аҳамиятисиз, ушбу шохобчаларда илк босқичда фуқаролар ўзига ўзи хизмат кўрсатиш асосида 14 турдаги давлат хизматидан фойдаланиш мумкин. Ушбу хизматлар босқичма-босқич қўлайлиги борилади.

Хусусан, идентификацияловчи ID картани ушбу шохобчада расмийлаштириш ва олиш имкони мавжуд. Хорижага чиқиш учун биометрик паспортни олиш учун эса ариза қолдириш имконияти яратилади. Шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг виза мuddатини узайтириш ҳам мумкин.

Тажриба натижасидан келиб чиқиб, 2027 йил 1 майга қадар “ақлли” миграция шохобчаларини республиканинг бошқа ҳудудларида, шунингдек, савдо ва кўнгилочар марказлар, сайёҳлик

ҳудудларида ҳам ташкил этиш бўйича тақлиф ишлаб чиқилади.

Ички ишлар вазирлиги 2026 йил 1 августга қадар сунъий интеллект технологиялари асосида миграция ва персоналлаштириш соҳасига оид электрон давлат хизматлари кўрсатиш, онлайн ҳуқуқий маслаҳат бериш, юкламаси кам бўлган миграция бўлинмалари ҳақида маълумот олиш имконини берувчи “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуасининг “Passport-visa” мобил иловасини ишлаб чиқди. Бунда мазкур мобил илова орқали кўрсатилиши кўзда тутилган миграция ва персоналлаштириш соҳасига оид электрон давлат хизматлари дастлаб Ягона интерактив давлат хизматлари порталида йўлга қўйилди.

Миграция соҳасидаги 22 та хизмат “Passport-visa” мобил иловаси орқали онлайн кўрсатилиши белгиланди. Бунда аҳоли, жумладан, чет эл фуқароларига ҳам давлат хизматларидан масофадан туриб фойдаланиш имконияти яратилади. Ички ишлар соҳасидаги давлат хизматларидан фойдаланишга розилик олиш учун “E-Rozilik” платформасининг юзни таниб олиш тизими қўлланади.

Бобур АЛЛАБЕРГАНОВ,
Рақамли технологиялар
вазирлиги бўлим бошлиғи

“Ягона рақамли миграция” платформаси яратилади

Дунёда туризм соҳасига барча инфра-тузилмани ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қаралади. Замонавий сайёҳлик транспорт, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг юқори даражада ривожланишига асосланган. Бу охир-оқибат уни иқтисодиётнинг сердаромад, яъни драйвер йўналишига айлантиради.

Бугун туризм жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган ва истиқболли тармоқларидан. Глобализация жараёни одамларнинг дунё бўйлаб эркин ҳаракатланишига кенг имкониятлар эшигини очди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 январдаги тегишли қарори билан миграция бўлинмаларида берилаётган ваколатлар аини шу йўналишни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ҳозир 50 дан ортиқ давлат фуқароларига Ўзбекистонга келиши учун бир

марталик электрон виза расмийлаштириш имконияти тақдим қилинган. Бу эса юртимизга келувчи сайёҳлар учун жуда катта қулайлик яратган. Тадбиркорлар учун янги имкониятлар очган. Лекин баъзи ҳолларда узоқроқ қолиш, масалан, тиббий туризм бўйича келганларнинг юртимизда кўпроқ қолишига зарурат тугилса, бу борада муайян муаммолар пайдо бўларди.

Тиббий туризм бўйича юртимизга келаётган сайёҳнинг даволаниш мuddати белгиланган санадан ўтганда, фуқаро уни янгилаш учун, албатта, Ўзбекистондан чиқиши ва такоран электрон визасини расмийлаштириши зарур эди. Бунда у ўз мамлакатига қайтиши ёки учинчи мамлакатга чиқиб, визани расмийлаштиришга мажбур эди. Бу эса биз тиббиёт ходимларига ҳам, даволаниш мақсадида келган сайёҳларга ҳам қатор ноқулайлик туғдириш билан бирга муолажа самарасини камайтирарди.



Сунъий интеллект асосидаги хизматлар, рақамли бошқарув тизимлари, тезкор ва шаффоқ давлат хизматлари — буларнинг барчаси мамлакатимизда иқтисодий ўсишни жадаллаштиради, янги иш ўринларини очади ва одамларнинг кундалик ҳаётида кўмакчи вазифасини бажаради.

Шундай экан, қўйилаётган ҳар бир қадам, амалга оширилаётган ҳар бир ислохот, жорий қилинаётган ҳар бир тизим халқимизнинг фаровон ҳаёти ва юрт тараққиёти учун хизмат қилади.

Маҳаллалар ва оилалардаги ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва тотувлик кўп жиҳатдан нуруний отахон ва онахонларга бoғлиқ. Улар оилаларда сабр, матонат, қаноат, ўзаро ҳурмат каби қадриятларни тарғиб этиш орқали мижозларнинг олдини олишга муносиб хисса қўшмоқда.

“Нуруний” жамғармаси ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида ҳар бир кўчага фаол нурунийларнинг “кўчабай” бириктирилиши эса қадриятларимизни янада сайқаллаш, маҳалланинг ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштиришдаги ўрнини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз. Маҳаллалардаги тизимли ишлари, Наврўз ва сумалак сайилларида нуруний оқсоқолларнинг бош-қош бўлиши қўни-қўшнилар ва маҳалла аҳли ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик муҳитини мустаҳкамлайди. Ёшларнинг ўзи туғилиб ўсган маҳаллага меҳрини қучайтиради.

Албатта, ҳали олдимизда турган вазифалар жуда кўп. Ёшларнинг пухта билим олиши, салоҳиятини юзага чиқариши, касб-хунар эгаллаб, эл-юртимиз равнақи йўлида муносиб хизмат қиладиган етук кадрлар бўлиб улғайиши учун кенг имкониятлар яратилаётган, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда фарзандларимизни турли ёт гоёлар таъсирига берилишдан, жиноятчилик йўлига кириб қолишдан асраш, соғлом ва тотув оилаларда, бағри бутунлиқда улғайишини таъминлаш биз, кексаларнинг авлодлар олдидаги бурчимиздир.

Бу борада, айниқса, ёшларимизга миллий қадриятлар ва она Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳини сингдиришимиз муҳим маънавий-ижтимоий пойдевор ҳисобланади. Шу маънода, биз, нурунийлардан бугун мамлакатимиздаги ҳар бир ёшнинг, ҳар бир ўғил-қизимизнинг тақдирига дахлдорлик масъулияти билан ишлашимиз, ўз ҳаётий тажрибаларимиз асосида оилалардаги тотувлик муҳитини асрашимиз талаб этилмоқда.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармаси билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида юртимиздаги ҳар бир кўчага нурунийларнинг “кўчабай” бириктирилаётгани миллий қадриятларимизни асраш ва ёшларимизни замонавий руҳда тарбиялашда ўзаро уйғунлиқни таъминлашга ва жамиятда маънавий юксалиш ҳамда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилиши, бу жараёнда маҳаллаларда тарбия борасидаги ўзбекона гўзал қадриятларини қайта сайқалланиб, нурунийларнинг бугунги ислохотлардаги фаол иштироки ва ташаббускорлиги янада кучайиши шубҳасиз.

Энди янги тартиб шу тоифадаги сайёҳлар учун қатор қулайликлар яратмоқда. Бундан нафақат сайёҳлар, балки уларни юртимизга жалб қиладиган сайёҳлик компаниялари ҳам яхшигина фойда олиши мумкин.

Жорий йил 1 майдан бошлаб департамент ва ҳудудий бошқармаларига Ўзбекистонга электрон кириш визаси асосида келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг электрон визалари амал қилиш мuddатини бир мартаба 30 кунгача узайтириш ҳуқуқи берилди.

Чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тасдиқномани расмийлаштириш ваколати департамент ва ҳудудий бошқармаларига ҳам тақдим этилади.

“Худудий ички ишлар органлари раҳбарларига чет эл фуқаролари таълим олаётган муассасалар ёки меҳнат фаолияти билан шугулланаётган корхона ва ташкилотларда виза мuddатини узайтириш, турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш учун корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан шартнома асосида миграция бўлинмасига шаҳодатланган қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилди.

2026 йил 1 сентябрдан бошлаб хорижада истиқомат қиладиган ватандошлар ва оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига тақлиф қилиш, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларини расмийлаштириш учун ариза юбориш, мулкдор ёки турган жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикасига фуқаросининг мурожаати асосида унинг турган жойи бўйича рўйхатга олинганини бекор қилиш учун ариза юбориш каби давлат хизматлари Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилади. Бундан ташқари, шахсга доир маълумотлар жамланган “Ягона рақамли миграция” платформаси ишлаб чиқилади.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА,
Самарқанд давлат тиббиёт
университети проректори

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Лутфулла СУВОНОВ тайёрлади.



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик

Бошланиши 1-бетда

Савдо ва логистика: тезлик ва арзон баҳо бозорни кенгайтиради

Ҳамкорликнинг энг тез баҳоланадиган кўрсаткичи — ўзаро савдо. 2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 445,8 миллион долларга етгани қайд этилди. Бу рақам икки томонлама иқтисодий алоқаларда ишонч ортигани ва ҳамкорлик қоғозда қолмай, товар ҳаракатида намоён бўлаётганини кўрсатади. Шу билан бирга, икки давлат раҳбарлари савдо ҳажмини яқин йилларда 2 миллиард долларгача етказиш мақсадини белгилаб олди. Бу мақсад широк эмас, амалий вазифа. Унинг маъноси шундаки, савдо ўсиши аниқ товар гуруҳлари, аниқ йўналишлар, аниқ тартиб-таомиллар ва ишбилармонлик муҳитини энгиллаштириш орқали таъминланади.


Савдо ўсишига таъсир қиладиган энг катта омил — логистика ҳаражати ва вақт. Ўзбекистон учун денгиз портларига чиқиш стратегик аҳамиятга эга. Чунки ташқи бозорларга чиқиш қанчалик тез ва арзон бўлса, экспортчининг рақобатбардошлиги шунчалик ошади. Шу нуктада Покистоннинг Карачи, Гвадар ва Қосим каби портлари Ўзбекистон учун жанубий йўналишдаги табиий дарвоза вазифасини бажаради. Портларга ишончли чиқиш импорт-экспорт географиясини диверсификация қилади. Бир йўналишга қарамликни камайтиради. Таъминот тавakkалчилигини пасайтиради ва транспорт устамасини қисқартиради. Оддий қилиб айтганда, йўл ҳаражати арзонлашса, товар нархига босим қолмади, бозорда рақобат кучаяди, истеъмолчининг танлов имконияти кенгайиши.

Логистикадаги энг муҳим лойиҳавий йўналиш сифатида трансфактор темир йўли кун тартибига қўйилди. Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар йўналишидаги

темир йўлнинг узунлиги муҳокама қилинмоқда. Ресурс ва муддат бўйича расмий ҳисоб-китобларда юк ташиш муддатини 35 кундан 3-5 кунга тушириш, стандарт контейнер ташиш қийматини қарийб уч баробар камайтириш кўрсаткичлари мақсад параметрлари сифатида келтирилди. Бу рақамлар қуруқ статистика эмас: вақт қисқарса, капитал айланмаси тезлашади, омор ҳаражати арзонлашади, товарнинг бозорга чиқиш муддати қисқаради, логистика устамаси камайгани эса маҳсулот нархига бевоусита таъсир қилади. Бунда иқтисодий самара фақат йўлдан эмас, йўл атрофидаги хизматлардан ҳам келади: терминал, омор, контейнер инфратузилмаси, тезкор божхона ва сертифицирлаш жараёни қанчалик уйғун ташкил этилса, лойиҳа натижага шунчалик барқарор бўлади.

Тезлик омилни кучайтирган иккинчи йўналиш — ҳаво қатнови. Ўзаро авиақатновларнинг ҳафтасига тўрттага чиққани ишбилармонлар учун тезкор учрашувларни таъминлайди, хизматлар экспорти ва туризм оқимини рағбатлантиради, музокараларнинг қарорига айланиш муддатини қисқартиради. Бугунги иқтисодиётда вақт пулдан кам эмас: келишув тез тузилса, товар тез ҳаракатланса, инвестиция тез кириб келса, иқтисодий фаоллик суръати ҳам ошади.

Савдонинг яна бир кўринмас двигатели бор: тартиб-таомиллар. Илмий ёлғиз савдо ва транзит савдо бўйича келишувларнинг амалдаги қиймати шу ерда намоён бўлади: расмийлаштириш ҳаражати қисқаради, чегарадаги вақт йўқотилиши камади, тadbirkor учун қондалар ойдинлашади. Шу сабабли божхона, санитария-фитосанитар ва сертификатлаш талабларини мувофиқлаштириш, электрон декларация ва “бир дарча” таъминлини ишлаш даражасига чиқариш, транзит рухсатномаларини шаффоф тартибга солиш ҳамкорликнинг амалий устувор вазифалари сифатида қўрилмоқда. Бюрократия қисқаргани сари бозор кенгайди. Чунки бизнес учун энг қиммат ресурс вақтдир.



Халқаро ҳамкорлик

Инвестиция ва саноат кооперацияси: қўшилган қийматни бирга яратиш

Иқтисодий алоқалар фақат савдо билан чекланиб қолса, мамлакатлар “сотувчи — олувчи” форматда қолиб кетади. Ривожланишни тезлатадиган асосий йўл эса кооперация, яъни қўшилган қийматни бирга яратиш. Ўзбекистон ва Покистон иқтисодиётининг бир-бирини тўлдирувчи хусусияти бу йўлни табиий равишда очади: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ип-калага, кимёвий товарлар ва транспорт хизматлари, Покистон эса фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат

ва енгил саноат маҳсулотларини тақлиф қилади. Бу тузилма қўшма ишлаб чиқариш ва қўшма экспорт учун тайёр база.

Кооперациянинг асосий афзаллиги — қиймат занжирининг мамлакат ичида қолиши. Тайёр маҳсулот хомашёга нисбатан кўпроқ иш ўрни очади, кенгроқ солиқ базасини шакллантиради. Технология, дизайн, маркетинг ва стандартлар каби билим талаб қиладиган соҳаларни ривожлантиради. Шу маънода, фармацевтика, тўқимачилик ва чарм саноати бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳақидаги келишувлар иқтисодий кўпайтириш вазифасини бажаради: бир томоннинг ресурс ва ишлаб чиқариш имкониятлари иккинчи томоннинг бозор, технология ва кооперация занжири билан тўлдирилади.

Инвестиция жараёнининг тезлашиши учун эса икки омил ҳал қилувчи аҳамиятга эга: ишонч ва қондалар. Сармоядор учун муҳим сигнал — қафолат ва прогноз қилинадиган муҳит. Шунинг учун қўшма лойиҳаларда узоқ муддатли шартномалар, ер ва инфратузилма бўйича аниқ тартиб, солиқ, божхона имтиёзларининг очиқ мезонлари, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, низоларни ҳал этиш механизмларининг ишончлилиги биринчи ўринга чиқади. Ҳавф қамайган жойга капитал кириб келади. Капитал билан бирга технология, бошқарув маданияти ва янги бозорларга чиқиш канали ҳам келади. Демак, инвестиция фақат пул эмас, иқтисодиётнинг сифатини ўзгартирадиган омилдир.

Кооперацияни тезлаштирадиган амалий ечимлар ҳам аниқ. Фармацевтикада сертификатлаш ва лаборатория талабларини ўзаро тан олиш йўли очилса, дорилар бозорига тез

киради, рақобат кучаяди, аҳоли учун танлов кенгайиши. Тўқимачиликда “толадан тайёр кийимгача” занжирини бирлаштириш экспортда бренд, дизайн ва маркетинг қийматини оширади. Ҳисоб-китоблар ва тўловлар тизимида тўғридан тўғри банклараро алоқаларнинг кенгайиши, тўловларни тезлаштириш, экспортдоли молиялаштириш ва экспорт суғуртаси инструментларининг кучайиши савдонинг реал суръатини оширади. Бу йўналишлар бевосита товар ҳажми ва инвестиция динамикасига таъсир қиладиган тизимли тезлаткичлардир.

Инсон капитали ва хизматлар: иқтисодий битимларнинг барқарор таянчи

Иқтисодиётда ҳар қандай катта лойиҳанинг давомийлиги кадр ва билимга боғлиқ. Шу сабаб таълим, туризм, маданий-гуманитар алоқалар ва хизматлар соҳасидаги ҳамкорликка иқтисодий келишувларнинг инсон капиталига таянган қисми сифатида қаралмоқда. Карачи шаҳрида “UzbekPak International Trading Centre” савдо уйи ва “UzbekPak Cultural Centre” маданий марказининг очилиши ана шу ёндашувнинг амалдаги кўринишидир: ишбилармон учун маълумот ва ҳамкор топиш осонлашади, маданий дастурлар халқлар ўртасида ишончли мустаҳкамлайди. Ишонч мустаҳкамланган жойда бизнес ҳам тезлашади. Чунки ҳар бир битим ортда муайян даражада ишонч туради.

Туризм йўналишида виза тартибининг энгиллашуви ҳамда тўғридан тўғри қатновларнинг йўлга қўйилиши халқ учун бевосита

қулайлик яратади. Сайёҳлик иқтисодиётда пул айланмаси тез соҳалардан: меҳмонхона, умумий овқатланиш, транспорт, гидлик хизматлари, ҳунармандлик ва маданий тadbirkorлар — буларнинг ҳар бири кичик ва ўрта бизнесга даромад олиб қиради. Турист кўпайгани сари хизмат маданияти ўсади, шаҳар инфратузилмаси янгиланади, янги иш ўринлари очилади. Бу — халққа сезиладиган натижанинг энг тез кўринадиган жиҳатларидан.

Таълим ва кадрлар тайёрлашда эса алма-ишув дастурлари, стажировкалар ва қўшма курслар ҳамкорликнинг узоқ муддатли бўлишини таъминлайди. Логистика, ташқи савдо ҳуқуқи, божхона иши, фармацевтика стандартлари, тўқимачилик технологиялари, АТ ва туризм бошқаруви каби соҳаларда малакали мутахассислар кўпайгани сари келишувлар ижроси тезлашади, хатолар камади, тизимли ишлаш маданияти шаклланади. Шунинг учун инсон капиталига сармоя киритиш иқтисодий стратегиянинг кўринмас, аммо ҳал қилувчи қисмидир.

Минтақавий барқарорлик ҳам иқтисодий манфаат билан узвий боғлиқ. Афғонистон атрофидаги хавфсизлик ва транзит барқарорлиги таъминланган шароитда темир йўл ва автомобиль йўллари узлуксиз ишлайди. Суғурта ва ташиш ҳаражати камади, инвесторнинг ишончи мустаҳкамланади. Шу маънода, сиёсий-дипломатик мулоқот иқтисодий шароитни барқарорлаштирувчи омил сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Хулоса: дипломатия статистикада эмас, ишончда кўринади

Ўзбекистон — Покистон ҳамкорлигининг энг тўғри баҳоси унинг натижаси билан ўлчанади. 2025 йилдаги 445,8 миллион долларлик савдо ҳажми ҳамкорлик механизми ишлаётганини кўрсатади. Савдо ҳажмининг 2 миллиард долларга етказиш мақсади аниқ вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Трансфактор йўлга бўйича муҳокама қилинган параметрлар — муддат ва ҳаражатнинг кескин қисқариши — логистиканинг иқтисодий мангитининг очиқ кўрсаткичи: вақт қисқариши ва ҳаражат пасайиши товар нархига, бизнес фаоллигига ва иш ўринларига тўғридан тўғри таъсир қилади.

Энди ҳал қилувчи мезон — ижро интизом. Ҳар бир келишув бўйича масъул ижрочилар, муддатлар ва ўлчанадиган натижа кўрсаткичлари белгиланганда, ҳамкорлик режадан реал натижага айланади. Ана шунда дипломатиянинг қиммати статистикада эмас, бозордаги нархда, йўлдаги вақтда, янги иш ўрнида, талабанинг имконияти ва тadbirkorнинг ишончидан кўринади. Икки давлат раҳбарлари белгиланган асосий мақсад ҳам шу: келишувлар халққа сезиларли натижа берсин, иқтисодий алоқалар барқарор ва узлуксиз ўссин. Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги янги иқтисодий кўприк амалий мазмун билан бойисин.

Муносабат

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати сўнгги йилларда очиқлик, ўзаро ишонч ва прагматик ҳамкорлик тамойиллари асосида янги сифат босқичига кўтарилди. Бу жараёнда Президентимизнинг ташаббускор, жасоратли ва узоқни кўзлаган ташқи сиёсати алоҳида ўрин тутди. Ана шу сиёсатнинг ёрқин ифодаси сифатида давлатимиз раҳбарининг Покистон Ислom Республикасига давлат ташрифини алоҳида қайд этиш жоиз. Ушбу ташриф Ўзбекистон — Покистон муносабатларини сифат жиҳатидан янги, стратегик босқичга олиб чиқди десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги алоқалар чуқур тарихий илдизларга эга, замонавий дипломатик алоқалар билан чекланиб қолмайди. Бу муносабатлар асрлар давомида шаклланган чуқур тарихий, маънавий ва маданий илдизларга эга бўлиб, бугунги стратегик шериклик айнан шу мустаҳкам пойдевор устида барпо этилмоқда.

Марказий ва Жанубий Осиё халқларини боғлаб турган тарихий боғлиқлик географик яқинлиқдан ҳам, сиёсий конъюнктурадан ҳам устун туради. Бу боғлиқлик умумий тамаддуний макон, умумий тарихий хотира ва маънавий мерос билан белгиланади.

Давлатларимизни боғлаб турган энг муҳим тарихий кўприклардан бири буюк давлат арбоби, саркарда ва мутафаккир Заҳриддин Муҳаммад Бобур меросидир. Буюк саркарда асос солган бобурийлар сулоласи улкан давлат барпо этиш баробарида илм-фан, меъморчилик, адабиёт ва давлат бошқаруви соҳаларида юксак тамаддуний ютуқларга эришди. Бу мерос бугун ҳам Ўзбекистон ва Покистон муносабатларида маънавий таянч сифатида хизмат қилмоқда.

Исломободдаги кўчалардан бирининг Тошкент номи билан аталиши, шунингдек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги бог барпо этилиши фақат рамзий қадам эмас, балки халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳурматнинг амалдаги ифодасидир. Бу —



Анвар ТҲҲЧИЕВ, Олий Мажлис Сенати қўмита раиси

тарихга ҳурмат, умумий илдизларга содиқлик ва келажак авлодларга йўналтирилган маънавий кўприк.

Асрлар давомида Бухоро, Самарқанд, Хирот, Пешовар ва Лаҳор шаҳарлари ислom цивилизациясининг муҳим илм-фан ва маданият марказлари сифатида ўзаро узвий боғланган. Ушбу маконларда шаклланган илмий ва маърифий анъаналар умумий интеллектуал муҳитни вужудга келтирган.

Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Имом Бухорий, Имом Термизий каби улуг

алломалар мероси Марказий ва Жанубий Осиё халқлари учун умумий маънавий бойлиқдир. Уларнинг асарлари асрлар давомида ҳозирги Покистон ҳудудидаги мадрасаларда ҳам ўрганилган. Бугунги таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорлик, қўшма тadbirkorлар ва академик алмашинувлар айнан ана шу тарихий илдизларнинг замонавий давомидир.

Покистоннинг асосий мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган давлатлардан. Шу пайтдан буён икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқот изчил ривожланмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда Президентимиз юритаётган очиқ ва фаол ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистон — Покистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бу сиёсат тарихий яқинлиқни реал иқтисодий, сиёсий ва гуманитар ҳамкорликка айлантиришга қаратилган.

Президентимизнинг ушбу мамлакатга давлат ташрифиди доирасида Ўзбекистон — Покистон Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йилги йўқазилди. Бу икки давлат муносабатлари институционал жиҳатдан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Сўнгги беш йилда ўзаро савдо ҳажми 2,5 баравар ошди, қўшма корхоналар сони қарийб 3 баравар кўпайди, товар айирбошлаши яқин келажакда 2 миллиард долларга етказиш мақсади аниқ белгиланди.

Бу рақамлар тасодиқий эмас. Улар давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, ишончли мулоқоти ва аниқ натижага йўналтирилган сиёсатининг самарасидир.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИ



Ташриф доирасида қарийб 3,5 миллиард долларлик инвестиция ва кооперация лойиҳалари портфели шакллантирилди. Тўқимачилик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, электротехника ва тоғ-кон соҳаларида амалий ҳамкорлик янги суръат олди.

Ўзбекистон — Покистон Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги келишув, ҳудудлараро форум ўтказиш режалари ҳамкорликни марказдан ҳудудларгача туширишга хизмат қилади. Бу эса иқтисодий алоқаларнинг барқарорлигини таъминлайди.

Ҳозирги глобал хавф-хатарлар шароитида хавфсизлик масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма ўқувлар, мутахассислар тайёрлаш, мудофаа саноатида

кооперация алоқаларини ривожлантириш бўйича аниқ келишувларга эришилди. Алоҳида “йўл харитаси” қабул қилиниши мазкур соҳадаги ҳамкорликнинг тизимли тус олишини таъминлайди.

Ташриф доирасида маданият ҳафталиклари, кино кунлари, илмий-маърифий меросни ўрганиш, таълим соҳасида ҳамкорликни кучайтириш бўйича муҳим келишувлар имзоланди. Покистон Миллий фан ва технологиялар университетининг фахрий доктори ва профессори унвонларининг берилиши давлатимиз раҳбарининг таълим, фан ва инновация соҳасидаги ислохотларига юксак халқаро баҳоидир.

Эришилган келишувлар, имзоланган қўшма декларация ва ўттизга яқин икки томонлама ҳужжатлар давлатларимиз раҳбарларининг

мустаҳкам сиёсий иродаси, муносабатларни узоқ муддатли ва барқарор асосда ривожлантиришга қатъий интилишини яққол намоён этиди. Савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инвестициявий ҳамкорликни чуқурлаштириш, транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар амалий мазмунга эга, улар яқин йилларда реал натижалар бериши шубҳасиз.

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан илгари суриляётган минтақавий боғлиқлиқни кучайтириш гоилари — трансфактор транспорт йўлаги, Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи янги логистика занжирлари — Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати нафакат миллий, балки кенг минтақавий манфаатларга хизмат қиляётганини кўрсатади. Бу ёндашув мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада ошираётган муҳим омилдир.

Шу билан бирга, ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик, хавфсизлик соҳасидаги келишувлар, маданият, таълим ва инсонлараро алоқаларни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг кўп қиррали, мувозанатли ва барқарор тус олаётганини тасдиқлайди. Бу ҳамкорлик нафакат давлатлар, балки халқларимиз ўртасидаги ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашга замин яратади.

Умуман олганда, мазкур давлат ташрифиди Ўзбекистон ташқи сиёсатида очиқлик, конструктивлик ва амалий натижага йўналтирилган ёндашувнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Ташаббускор ва оқилона ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистон минтақада ишончли шерик, барқарор тараққиёт тарафдори ва келажакка ишонч билан қадам қўяётган давлат сифатида мавқеини янада мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклиги келгуси йилларда янги амалий мазмун билан бойиб, икки халқ фаровонлиги, минтақавий барқарорлик ва ўзаро манfaatли ҳамкорликни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Мазкур тушунча педагогик тизимдаги алоҳида камчиликларни санаб ўтиш мақсадида эмас, балки таълимнинг функционал ўрни ва вақтда муносабатини аниқлаш учун қўлланилмоқда. Инсоният тамаддунининг янги даврида унинг тараққиёт суръати билан нечоғлиқ ҳамқадам бўла олаётгани кўпчилик соҳа мутахассисларини ўйлантираётган масалалардан. Бойси, халқаро тадқиқотлар таълим тизимларининг технологик, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга мослашув даражаси етарли суръатда кечмаётганини кўрсати. Жумладан, UNESCO ва OECD таҳлилларига кўра, аксарият мамлакатларда ўқув дастурлари ва фанлар мазмунини ўртача 8-12 йил оралиғида янгиланади. Ҳолбуки, меҳнат бозори талаб қилаётган кўникмалар 3-5 йилда сезиларли даражада ўзгариб кетиши аниқланган. Мазкур тафовут таълим тизими билан реал иқтисодиёт эҳтиёжини ўртасида барқарор номутаносиблик юзага келаётганини аниқлади ва бу ҳолат таъ-



Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

лим самарадорлигига бевосита таъсир етляпти. Шу сабабли таълимни янгилаш жараёнида фақат ташкилий ислохотлар билан чекланиб, ўқув мазмунини қайта кўриб чиқиш, иш бозори сигналларини тизимли равишда таълимга интеграция қилиш ҳамда мослашувчан ва тезкор янгиланадиган ўқув моделларини жорий этиш стратегик вазифадир. Шу маънода, ушбу масалани миллий контекстда кўриб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда. Бу ёш авлоднинг тайёргарлик даражаси, касбий мослашувга киришиш тезлиги, билимнинг амалий муҳитдаги барқарорлиги билан боғлиқ масалалар кундалик тажрибада ўз аксини топмоқда. Таълим инфратузилмасининг кенгайиши, институционал ислохотлар, билим олиш имкониятларининг диверсификацияси билан бир қаторда жамиятнинг таълимдан кулаётган функционал самараси тобора мураккаблашяётгани кузатиляпти. Шу нуқтан назардан, Ўзбекистон таълим тизимининг жамият ривожини билан ўзаро муносабатини вақт мезонини орқали қайта баҳолаш, муассасаларда фаол жорий этилаётган дуал таълим модели ҳамда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида илгари сурилган касбий таълим масалаларини таҳлил қилиш бугунги ижтимоий-иқтисодий шароитда муҳим заруратдир.

Компетенциялар ва дуал таълим

Бугунги иқтисодиётда меҳнат фаолияти мазмунини, биринчи навбатда, компетенциялар мажмуаси орқали белгиланади. Халқаро иқ-

ИЛМий НАЗАРИЯдан ТИЗИМЛИ МЕХАНИЗМГАЧА

тисодий тадқиқотларда касбий муваффақият таҳлилий фикрлаш, муаммоларни ечиш, жамоавий ишлаш, мослашувчан қарор қабул қилиш каби кўникмалар билан боғланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотини томонидан ишлаб чиқилган Skills Outlook ҳисоботларида айнан шу компетенциялар ХХI аср меҳнат бозорининг асосий таянчи сифатида қайд этилган. Ушбу ёндашув таълим мазмунига талабларни тубдан ўзгартирди.

Меҳнат бозори эса билимдан кўра тезроқ янгиланаётган муҳит сифатида таърифланади. Жаҳон банкнинг “Дунё тараққиёти сарҳисоби: меҳнат табиатининг ўзгариши” номли ҳисоботида касбий фаолиятнинг катта қисми қисқа муддатда янги технологик талаблар таъсирида қайта шаклланиши кўрсатилади. Яъни касблар мазмунини ўзгариб боради, янги касбий йўналишлар пайдо бўлади, айрим фаолият турлари эса функционал жиҳатдан бошқа шаклга кўчади. Шу шароитда таълим мазмунининг барқарор структураларга таяниши мувофиқлик муаммосини чуқурлаштиради.

Мазкур тафовут таълим олувчининг касбий тайёргарлиги жараёнида яққол сезилади. Халқаро сўровлар ва битирувчилар мониторингини натижаларига кўра, олий ва ўрта махсус таълимни тутатган ёшларнинг муайян қисми меҳнат фаолиятига кириш жараёнида қайта ўрганиш заруратига дуч келади. Бу ҳолат билим сифати пастигли билан изоҳланмайдиган, балки билимнинг амалий муҳитда ишлатилиши механизмларидаги камчиликлар билан боғлиқ тарзда талқин этилади.

Ўзбекистон шароитида ҳам мазкур жараёнлар умумий глобал тенденциялар билан



уйғун равишда кечмоқда. Таълим муассасаларида берилаётган билим жамиятдаги касбий талаблар билан боғланиши тобора муҳим аҳамият касб этар экан, иш бевуви қўйяётган талаблар, амалий кўникмаларга эҳтиёж, тез мослашув имкониятлари таълим мазмунининг реал ҳаёт билан алоқадорлигини кучайтириши ҳам табиий. Ўқитиш мазмунини, компетенциялар ва меҳнат бозори ўртасидаги ушбу тизимли тафовутни англаш таълимни баҳолашга ёндашувни ҳам ўзгартиради. Шу маънода, мамлакатимизда кейинги вақтда дуал таълим модели ўқув муассасалари ва иш бевуви корхоналар ўртасида институтлар ҳамкорлиқа хизмат қилиб, таълим олувчининг назарий билимларини амалий фаолият билан бирлаштираётганини таъкидлаш ўринли.



Юртимизда дуал таълим тизимли назарий асослар ва амалий механизмлар орқали босқичма-босқич жорий қилинмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 16 январдаги “Олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур жараённинг тузиллишини норматив-ҳуқуқий асослар орқали белгилаб берди. Ҳужжат асосида олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида институтларро мулоқотни йўлга қўйиш механизми аниқ белгиланди. Бу жараён таълим олувчиларнинг назарий ва амалий билимларини систематик тарзда эгаллашнинг таъминлайди. Бунда назарий билим олий таълим муассасасида берилади, амалий машғулотлар эса корхоналарда ўтилади. Шу билан бирга, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маълумотларига кўра, корхоналарда фаолият юритаётган ёшлар учун муайян миқдорда иш ҳақи ҳам беришмоқда.

Бундан ташқари, касбий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлик кўрсаткичларини ошириш, уларни аниқ иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган қатор дастурлар жорий этилаётганини таъкидлаш керак. Дуал таълим асосида ўқитилаётган талабалар ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этгани сабабли уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги юқори баҳо-ланмоқда. Шунингдек, ушбу модель ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга ҳам хизмат қилляпти. Масалан, корхоналарда амалиёт ўтаётган таълим олувчилар ишлаб чиқариш маданияти, технологик интизом, жамоавий масъулият каби кўникмаларни бевосита меҳнат жараёнида ўзлаштиради. Бу кўникмалар кейинчалик мустақил касбий фаолиятда юқо-

ри самарадорлиқни таъминлайди. Шу тариқа дуал таълим иқтисодий тизим учун узоқ муддатли инвестициядир.

Уни институционал даражада ривожлантиришда эса ҳудудий иқтисодиёт хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам муҳим. Мамлакат ҳудудлари ўртасидаги иқтисодий ихтисослашув тафовути касбий тайёргарлик йўналишларини белгилашда асосий омиллардан. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизматлар соҳаси устувор бўлган ҳудудларда дуал таълим дастурлари мазмунини маҳаллий меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларига мослаштирилиши талаб этилади.

Мониторинг ва сифат назорати механизмлари дуал таълимни барқарор ривожлантиришда асосий институционал элементдир. Таълим натижаларини баҳолашда фақат академик кўрсаткичлар билан чекланиб қолмай, битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги мослашуви, касбий фаолиятдаги барқарорлиги ва иш бевувиларнинг қониқиб даражасини ҳам ҳисобга олиш зарурати юзага чиқмоқда. Ўзбекистон таълим сиёсатида миллий малака ва квалификация тизимини жорий этиш айнан шу баҳолаш механизмлари тизимлаштиришга қаратилган.

Касбий таълимнинг функционал вазифалари

Касбий таълимни замонавий ўқитиш тизимида ёрдамчи ёки иккиламчи йўналиш сифатида баҳолаш ярамайди. У иқтисодий тараққиёт, бандлик сиёсати ва инсон капиталини шакллантириш жараёни билан бевосита боғлиқ мустақил институт. Касбий таълимнинг асосий вазифаси назарий билим билан амалий фаолият ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш, шахснинг муайян фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш орқали белгиланади. Унда ишлаб чиқариш интизоми, технологик маданият, меҳнат масъулияти ва жамоавий ҳамкорлик каби сифатлар тизимли тарзда ривожланади.

Мамлакатимизда касбий таълим давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан. Ўқитиш тизимини иқтисодиёт эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш, ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга йўналтириш стратегик масала даражасига кўтарилди. Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида касбларнинг ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш алоҳида устувор йўналиш сифатида белгилангани айнан шу стратегик қараш ифодасидир.

АГРОВОЛТАЙКА — ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ



Айни пайтда кундалик ҳаётимиздаги янги терминлар қаторига агроволтайка тушунчаси ҳам кириб келяпти. Агроволтайка — қуёш панеллари орқали олинмадиган электр энергияси ва қишлоқ ҳўжалиги экинларини бир майдонда уйғунлаштирган замонавий технология. Ер ва энергия ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қиладиган бу инновацион тизим илк бор мамлакатимизда синов тариқасида жорий этилаётгир. Унинг самарадорлигини Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтиди илмий асосда ўрганиш кўзда тутилган.

Ҳўш, ушбу инновацион тизимни қаердан, қимдан ўрганимиз? Уни қўллашга шароитимиз етарилми?

Саволларимизга қишлоқ ҳўжалиги вазири ўринбосари Акмал Қосимовдан жавоб олдик.

Вазир ўринбосари давлатимиз раҳбарининг Францияга ўтган йилги давлат ташрифи доирасида Париж шаҳрида Стратегик шериклиқни ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилинганидан гап бошлади. Ташрифдан бир ой ўтиб, мазкур стратегик ҳамкорлик доирасида Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик ишчи гуруҳи Францияга хизмат сафарига бориб, Марсель шаҳрида агроволтайка тизимини билан батафсил танишган.

Францияда “яшил” энергетика ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида етакчи ҳисобланмаган “Voltaia CA” компанияси 20 та давлатда қуёш панели ўрнатиш ва электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича фаолият юретади. Ўз навбатида, делегациямиз аъзолари қуёш панелларини ўрнатиш ва унинг остида самарали фойдаланиш мақсадида сабзавот ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш технологияларига қизиқиш билдирган, францияликлар билан муҳокамалар олиб борган. Марсель шаҳридаги 4,5 гектар майдондаги қуёш панелли станция фаолияти диққат билан ўрганилгани бунинг амалий исботи. Қуёш панеллари ердан 5 метр балангликда ўрнатилган бўлиб, остида турли сабзавотлар (салат барглари, қўқатлар, пиёз, ош лавлаг) экилган.

Ташриф якунида компания томонидан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-

тадқиқот институтини Тошкент илмий-тажриба станциясида синов тарзида 500 кВт қувватга эга “яшил” энергия ишлаб чиқариш, остида сабзавот, картошка, полиз экинлари етиштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Қолаверса, ўтган йилнинг ноябрь ойида томонлар ўртасида инвестицион шартномага қўл қўйилди.

Юқоридагилар асосида “Voltaia CA” компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда агроволтайка лойиҳасига старт берилди. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтини тажриба майдонининг 1 гектаридида ўрнатиладиган, жорий йилнинг май ойида ишга тушириладиган 500 кВт қувватли қуёш станцияси илмий тадқиқотга имкон беради.

Лойиҳа 1 миллион АҚШ доллари миқдоридида грант маблағлар ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг амалий самарадорлигини оширишни таъминлайдиган мазкур лойиҳани кенгайтириб, бошқа илмий-тадқиқот институтларида ҳам амалга ошириш режалаштирилган.

— Биз нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона бўлган агроволтайка лойиҳаси тақдиротини ўтказдик, — деди



Инновацион ёндашувлар

“Voltaia CA” компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Кароле Понте. — Лойиҳадан асосий мақсад амалга оширилган ўрганилган натижадаги унинг Ўзбекистон учун қай даражада фойдали ва манfaatли эканини аниқлашдир. Тажрибани айнан Тошкент вилоятида бошлаганимиз боиси уни кўргазмали ва намунавий лойиҳа сифатида аҳолига намойиш этишдир. Олимлар, турли ташкилот вакиллари ҳамда ўрганувчи, изланувчилар бу

ерга келиб, у билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

Инновацион ёндашувнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у атроф-муҳитга салбий таъсирни қаматиштириш, иссиқхона газлари чиққиндиларини қисқартиришга ҳам хизмат қилади.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтини директорин Баҳодир Иброҳимовнинг агроволтайка ҳақидаги фикрлари унинг истиқболли эканига бир ишора бўлди.

Давлатимиз раҳбари саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт каби соҳаларда технологик ечимлар кенг жорий қилинаётганини алоҳида қайд этди. Ушбу фактлар мамлакат иқтисодиёти технологик босқич алмашинуви жараёнида эканини кўрсатади. Автоматлаштирилган линиялар, ақлли технологиялар, интеллектуал бошқарув тизимлари меҳнат фаолиятининг мазмунини ўзгартирмоқда. Бундай шароитда касбий таълимнинг асосий вазифаси техник кўникмалар билан бирга технологик тафаккурни ўзгарттиришга қаратилган.

Мурожаатномда илгари сурилган “янги меҳнат бозори архитектураси” тушунчаси алоҳида изоҳ талаб қилади. Ушбу ёндашув касб, малака, технология ва таълимни яхлит механизм сифатида кўришни назарда тутди. Бундай механизмда таълим меҳнат бозоридан узилган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ўқитиш мазмунини касбий стандартлар билан боғланади, малака технологик талабларга мослаштирилади, касбга эса мунтазам янгиланиб борадиган компетенциялар мажмуаси сифатида қаралади. Касбий йўналтириш масаласига алоҳида эътибор қартилиши ҳам шу мантиқдан келиб чиқади. Мутахассислар таъкидича, болада касбий қизиқиш 7-синф атрофида шаклланади, 9-синфга бориб касбий йўналиш аниқроқ намоён бўлади. Шу асосда 9-синф битирувчиларини фанларни ўзлаштириш даражаси ва касбий қизиқишига қараб йўналтириш тизими жорий қилинади.

Техникумлар тизимини тубдан янгилаш бўйича беш йиллик дастур касбий таълимнинг моддий ва мазмуний асосларини мустаҳкамлайди. Ҳар йили камиди юзта техникумни тўлиқ таъмирлаш, замонавий технологиялар ва талаб юқори касбларга мос ҳолда жиҳозлаш режаси касбий таълим инфратузилмасининг сифат жиҳатидан янгиланишини кўзда тутди. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатларнинг илгор дастурлари жорий қилинадиган техникумлар сонини юзтага етказиш режаси соҳани халқаро меҳнат бозори стандартларига уйғунлаштиришни талаб этади.

Мурожаатномда эълон қилинган Илгор касбий маҳорат техникумлари ва “Касблар шаҳарчаси” ташаббуси касбий йўналтиришнинг мактаб босқичидан бошлаб тизимли йўлга қўйилиши назарда тутди. Илгор техникумларнинг методик ва амалий база сифатида фаолият юритиши ҳудудий касбий таълим сифатини бир маромда ривожлантириш имконини беради. “Касблар шаҳарчаси” концепцияси эса ўқувчиларни қурилиш, саноат, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, сервис, “яшил” энергетика каби йўналишлар билан эрта таништириш онгли касб танлашга хизмат қилади.

Техникумлар ва иш бевувилар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган саяй-ҳаракатлар ҳам эътиборга молик. Дуал таълимни самарали йўлга қўйган корхоналарга узоқ муддатли имтиёзлик кредит ажратилиши, тадбиркорлик рейтингидида қўшимча балл берилиши, ижтимоий солиқ бўйича енгилликлар тақдим этилиши иш бевувиларнинг касбий таълим жараёнидаги иштирокини кучайтиради. Техникум ўқувчиларига стипендия берилиши эса таълим жараёнига масъулият билан ёндашувни кучайтиради, аъло баҳоларга ўқитган ва танланган касбини чуқур эгаллаётган ёшларни қўллаб-қувватлайди.

Таълим ва меҳнат бозори муносабати жамиятнинг келажакни қандай тасаввур қилаётгани билан чамабарчас боғлиқ жараён. Айнан шу нуқтдада ўқитиш мазмунини, компетенциялар архитектураси ва касбий йўналишлар бир пайтнинг ўзида жамиятнинг интеллектуал рефлекси, иқтисодий сезгирлиги ва ижтимоий масъулиятини ифодаловчи яхлит тизим сифатида намоён бўлади. Шу боис, янги меҳнат бозори ҳақида сўз кетганда, асосий масала технологикларни қувий етишдан кўра инсон капиталининг ички мослашув механизмларига бориб тақабил. Айни жараёнда енг катта инвестиция инфратузилмага эмас, балки фурсатини англаш, яъни таълимнинг замон билан ички мулоқотига йўналтирилади. Ана шу мулоқот узлуксиз давом этгани сари таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги масофа тараққиётнинг табиий амплитудасини юзга келтиради — “education lag”, яъни таълим ривожидидаги номутаносиблик аста-секин чекинади. Фақат бунинг давлат ва жамият ўз вақтида тўғри англаб, шунга монанд ҳаракат қилиши шарт.

Зеро, институт директори очик далада қандай ҳосилдорлик бўлса, қуёш панеллари остида ҳам худди шундай ҳосилдорлик бўлишини таъкидлади. Қуёш панелларини ўрнатишдан келадиган афзалликлар кўп. Масалан, ёз иссиқ бўлган тақдирда қуёш панеллари соялатиш вазифасини бажаради. Бунинг натижасида салқинга талабчан бўлган, хусусан, қарамдошлар оиласига мансуб ўсимликларни ёзнинг иссиғида ҳам етиштириш мумкин.

Лойиҳани амалга ошириш давомидида фақат электр энергияси олинибгина қолмай, остида етиштирилаётган сабзавотларнинг қандай ўсиб-ривожланиши, намликка, иссиқликка, қурғоқчиликка бўлган талаблари ўрганилади. Лойиҳанинг муваффақиятли амалга ошиши уни республика бўйлаб жорий этишга тавсия бериш имкониятини яратди. Ўйлаймизки, агроволтайка усули тажриба-синовдан муваффақиятли ўтади ва ҳудудларимизга ҳам таъбиқ этилади.

Шу ўринда 2024 йилги ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда 10 гигаваттлик агроволтайка салоҳияти мавжудлиги аниқланганини таъкидлаш жоиз. Чунотки, бу тизимни йўлга қўйиш борасидаги дастлабки ҳаракатлар бундан икки йил аввал бошланган. Ажабмаски, агроволтайка салоҳиятимиз ҳам йилдан йилга ошиб боради. Зеро, қуёш панеллари тупроқни қуёш ва шамолдан химоя қилиш орқали унинг ҳосилдорлигини орттиради. Фермерлар қуёш панелларида ишлаб чиқарилган электр энергиясидан ёрутлик, совитиш ёки сўғориш технологияларини қўллаш каби ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиши мумкин.

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news




yuz.uz_news

Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги

Эҳтиром

АДАБИЁТ ОСМОНИДАГИ МАЪНАВИЙ МАЁҚ

ДУНЁНИ УЙҒОТГАН НАВОИЙ



Сирожиддин САЙИД,
Ёзувчилар уюшмаси раиси,
Ўзбекистон халқ шоири

назмий ифодаси ва хулосаси бор. Саховатпе-
ша зотлар ҳиммати ҳақида фикр юритаркан:
*Холиқ ўлган саҳийдин элга бўлди
икки бахшойиш,*

Ҳам эҳсонидин оройиш,

ҳам ахлоқидин осойиш,

дея бундай инсонларнинг саховатидан эл-
юрт ободлик ва оройиш топиб, гўзал хулқ-
ахлоқидан одамлар роҳатланишини алоҳида
меҳр билан ифодалайди. Шу билан бирга, ин-
сон иймонининг бутунлигини қаламга олар
экан: “Садаф гар бутун бўлса, гавҳар сочил-
мас”, дея қатъий хулосасини билдиради.

Субутсиз ва мунофиқ, ўз мақсад-муд-
даосини ўзи ҳали англамай туриб, ҳар кў-
ча-кўйга юғурадиган тугуруқсиз ва бетайин
кишиларга ўғит бераркан, улуг шоир бундай
хулоса ясади:

Дунёву уқбо иккиси жамъ ўлмас,

эй рафиқ,

Кимки, икки кема учини тутар

бўлур ғарик,

Кўриниб турибдики, орзу ва мақсад му-
таносиблиги, қатъият, ирода, субут ва сабот
сингари юксак инсоний фазилатлар одам
болаларининг камолоти, жамият ривожига
ниҳоятда муҳим ва зарур. Айтилганига беш
асрдан ҳам ошиб кетган бу ҳикматлар бутун-
ги “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни
юксалтириш йили”да ҳам ҳамон долзарбли-
гича бедор яшаб келаётганидан ҳайратга ту-
шасиз.

“Назму насрим котиби тахминшунос,
Ёзса юз минг байт этар эрди қиёс”, дея ўз
маънавий хазинаси ҳажминини ўзи чамалаб
берган. Навоий бобомиз назмий ва насрий
тили билан туркий дунё тилини уйғотди,
халқнинг онг ва тафаккурини уйғотди, Лай-
ли ва Мажнувларнинг юрагини, Фарҳод ва
Ширинларнинг қалбини қалқитди, Вомиқ
ва Узроларга бедорлик бахш этди. Шеръ ва
дostonларидоги умумбашарий уйғоқ ғоялар
билан мудроқ дунёни уйғотди, ҳамон уйғо-
тишда давом этмоқда. Бизга яна нима керак?!
Шундай юксак ва гурурбахш лаҳзаларда
ошиқ шоирга кўшилиб ҳайқиргингиз келади:

Яна не истайси, эй аҳли кўнглил?!

Шу ўринда буюк навоийшунос аллома,
атокчи шарқшунос олим, академик Евгений
Бертельснинг буюк аждодимиз ҳақидаги юк-
сак эътирофини эсламоқ жоиз: “Навоий ижо-
ди музей кўргазмаси ҳам, тарихнинг парчаси
ҳам эмас. У яшамокда ва яшайверади. Биз
уни ўрганишимиз, аммо жуда кам ўрганиймиз.
Ўзининг улуг фарзанди хотирасини кўз қо-
рачигидай асраб-авайлаш, унинг асарларини
тиямий ўқиш ва ўрганиш ўзбек халқининг
шон-шараф ишидир”.

Бугунги замон кишиси, бир камтарин
қаламкаш-ўқувчи сифатида яна нима де-
йиш мумкин? Президентимиз қайта-қайта
таъкидлаган “муаллим, муаллим, муаллим,
таълим, таълим, таълим” деган давъаткор
сўзлар замирида буюк ва беминнат муал-
лимимиз Навоий бобомиздан тинимсиз ўр-
намоғимиз, ул зоти шариф асарларининг
муттааси мутлоаси ҳам назарда тутилган.
Биз — набиралар Навоий деганда Ватани,
Ватан деганда Навоийни англамоғимиз ҳам
қарз, ҳам фарздор. Зеро, Навоий тугилган
кун биз учун:

Ҳар кўнгли ишқ ичра пок

тийнот бўлар кундир бу кун,

Битта сўз олам аро

зийнат бўлар кундир бу кун.

Тийра дунёга зиё

сочгай мунаввар бир исм,

Бир исмдан бир улус

миллат бўлар кундир бу кун.

асарининг еттинчи мажлисида Соҳибқирон
Амир Темури ҳақида сўз юритаркан, бундай
фикрларни битади: “Темури Кўрасон — агар-
чи назм айтмоққа иштифот қилмайдурлар,
аммо назм ва насри андоқ хўб маҳал ва ма-
кеда ўқубдурларким, анидек бир байт ўқу-
ғони минг яхши байт айтқонча бор...”

То олам аҳли билгайларким, Султон Со-
ҳибқиронаким, мажлисда пайдар-пай ўқу-

Исломобод шаҳрида яна бир темурийзода
султон, “шоҳлиги шоирлигидан, шоирли-
ги шоҳлигидан буюк зот” Заҳририддин Му-
ҳаммад Бобури боғи барпо қилинишию кўркам
кўчалардан бирига Тошкент номи берилиши
воқеасида янги Ўзбекистоннинг тинчлик-
парвар сибсати билан бобомерос қадрият ва
удумларимиз ўртасида чамбарчас муштарак-
лик, бир сўз билан айтганда, мақсад-муддао-



Ҳақим Йўлдошев олган суратлар.

миз бор бўй-баста билан намоён бўлганини
алоҳида айтиб ўтиш керак.

Алишер Навоий бобомиз ўз қалами билан
қандай улугвор вазифани адо этаётганини те-
ран ҳис қилади. Бобомизнинг нозик нигоҳи-
дан энг ёш қаламкашлардан тортиб, улуг-улуг
аллома, саркарда ва жаҳонгирлар ҳам четда
қолмаган. Хусусан, “Мажолис ун-нафос”

абёт ва яхши сўзлар дармаҳал воқеъ бўлур
даки маврусийдурким, нисбатин ул аждоди
бузургвора тузатурким, ул бирининг макони
равзаси жинон ва бу бири жаҳон мулкида жо-
видон бўлсун!..”

Ҳазрат Навоий учун бегона ёки майда
мавзу йўқ. Одамзоднинг фазлу камолига
тааллуқли ҳар қандай ҳаётий ҳолатнинг ўз



Қадриятларимиз, адабиётимизни ўқиш, ўрганиш
борасида ҳам қилинажак ишларимиз ниҳоятда мўл
ва бисёр. Барча йўл ва услублардан кенг фойдаланиш
керак. Энг замонавий илгор технологияларни ҳам
адабиёт илми, бадий сўз самараларини билиш,
ўқиш ва ўргатиш заҳмати йўлида беминнат дастёрға
айлантириш мумкин. Гап ўзимизда.



Савол тугилиши табиий: Навоий шу пайтгача
ўқилмасмиди, мутлоаа қилинмасмиди? Ҳамма гап
замонада. Бу замоннинг бош бунёдкори — давлатимиз
раҳбарининг адабиётга эътиборию эътирофи ва
албатта, яратилаётган имкониятларда. Бизнинг
бугунги ижтимоий ва кундалик ҳаётимизга “ортга
қайтмас ислохотлар” деган долзарб ибора кириб келди
ва чуқур сингиб кетди. Демак, ортга йўл йўқ!

Бошланиши 1-бетда

Учинчи Ренессанснинг мустақкам пой-
деворини бунёд этиш йўлида янги замона-
мизнинг юксак инсоний ғоялари, мақсад ва
интилишлари туфайли биз том маънода Али-
шер Навоийга қайтмоқдамиз, Навоийни ан-
гломоқдамиз, ўрганоқдамиз ва чексиз фахру
ифтихор билан тарғиб этмоқдамиз.

Шу улугвор ва умумбашарий мақсадларни
рўёбга чиқаришда Алишер Навоийнинг бой
ва мукамал ижодий мероси, шеър ва ғазал-
лари, дostonлари, панд ва қитъаларидан кенг
фойдаланишмоқда. Савол тугилиши табиий:
Навоий шу пайтгача ўқилмасмиди, мутлоаа
қилинмасмиди? Ҳамма гап замонада. Бу за-
моннинг бош бунёдкори — давлатимиз раҳба-
рининг адабиётга эътиборию эътирофи ва ал-
батта, яратилаётган имкониятларда. Бизнинг
бугунги ижтимоий ва кундалик ҳаётимизга
“ортга қайтмас ислохотлар” деган долзарб
ибора кириб келди ва чуқур сингиб кетди.
Демак, ортга йўл йўқ! Демак, бошча йўл ва услублардан
кенг фойдаланиш керак. Энг замонавий илгор
технологияларни ҳам адабиёт илми, бадий
сўз самараларини билиш, ўқиш ва ўргатиш
заҳмати йўлида беминнат дастёрға айланти-
риш мумкин. Гап ўзимизда.

Адабиёт, энг аввало, ёш авлод қалбида
Ватанга муҳаббат, она юртва садоқат, юксак
миллий ва умуминсоний ғояларга фидойилик
туғиларини уйғотишда муҳим ва таъсирчан
воситадир. Шу маънода, шеър ва дostonла-
рида мустақкам давлатчилик тамойилларини
тараннум этар экан, Ҳазрат Алишер Навоий
буюк Соҳибқирон сиймосига алоҳида эъти-
бор қаратади. Барчамизга машҳур

*Темурихон наслидин султон Улугбек,
Ки олам кўрмади султон анидек*
сатрларида буюк бобомиз номига алоҳида
меҳр ва ифтихори балқиб турибди.

Президентимиз қарорининг муҳим қир-
раси дунёга икки буюк Ўйғониш даврини
берган халқ, миллат, давлат Уччинчи Ўйғониш
замонини ҳам беришга қодир деган ғояни
ифода этгани билан тарихий аҳамиятга мо-
лик. Шундай экан, бу ғоя бизнинг қалбимиз-
да, қонимизда, руҳимизда, онгу шууримизда
ҳамиша бедор.

Бир иқтибосга изн берсак: замон ва тарих
ҳодисалари ғоят ажиб ва ҳайратомуз. Улуг
ҳукмдорлар бир умр боғлар яратган, юрт,
Ватан обод қилган. Яқиндагина бўлиб ўтган
давлат таширфи чоғида Президентимизнинг
таклифи ва ташаббуси билан Покистоннинг

Бошланиши 1-бетда

Адабий-маърифий
тадбирни Ёзувчилар
уюшмаси раиси,
Ўзбекистон халқ шоири
Сирожиддин Саййид
очиб берди. Шунингдек,
мамлакатимизда миллий
адабиёт ва маънавиятни
ривожлантириш,
Ватанимизнинг шонли
тарихини ўрганиш,
буюк аждодларимиз
меросини тадқиқ этиш
янги Ўзбекистоннинг
маърифий пойдеворини
яратишда муҳим асос
бўлаётганини қайд этди.



ҳайкали пойида адабиёт ва китобхонлик
тадбирларига улашиб кетди. Аллома бо-
момиз таваллудига бағишланган тадбир-
лар, анжуманлар юртимизнинг барча ҳу-
дудларида давом этмоқда.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Рес-
публикаси Президенти маслаҳатчиси
Хайриддин Султонов, Бош вазир ўрин-
босари — Оила ва хотин-қизлар қўми-
таси раиси Зулайхо Маҳмадова иштирок
этди.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



— Алишер Навоийнинг “Лисон ут-
тайр” асари тўлиқ таржумасини италян
тилида нашр этганимизни маълум қи-
лишдан ғоят мамнунман, — дейди Ита-
лиянинг “Сандро Тети Эдитор” нашриёти
асосчиси ва раҳбари Сандро Тети. — Илк
мартта италияликлар дунё адабиётининг
улуг аллома қаламига мансуб нодир
намунасининг тўлиқ шаклини ўз она тили-
да ўқишга мушарраф бўлди. Бу Навоий
меросидан шунчаки баҳрамандлик эмас,
балки янгилаш шарафини кечираётган
Ўзбекистоннинг бой адабий, бадий, тар-
ихий мероси билан танишув ҳамдир.

Шоир Ғайрат Мажид “Ҳазрат Навоий
зиёрати” шеърини, Тошкент давлат шарқ-
шунослик университети ва Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университетининг
маҳаллий ҳамда хорижлик талабалари
турли тилларда Алишер Навоий ғазал ва
рубойиларидан намуналар ўқиди.

Тадбир якунида Алишер Навоий ҳай-
кали пойига гул қўйиш маросими ўт-
казилди. Сўнг навоийхонлик кечалари
Адиблар хиёбонидаги атоқли адиблар



ГАЗЕТАДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН
ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА
ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР
QR-КОДНИ
СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган
ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли
чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
30829 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Одсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳис: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 21:35 Топширилди — 22:50